



04.09.2019



ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Каттақўрғон туман судидан туман адлия бўлими фуқаро Д.Хусаинова (исм-шарифлар ўзгартирилган) манфаатида туғилганлик фактини белгилашликни сўраган.

Адлия бўлимининг даъво аризасида мурожаатчи 1968 йилда Каттақўрғон туманида туғилганлигини, шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб яшаганлигини, кейинчалик турмуш ўртоғи ташлаб кетганлигини, у билан қонуний никоҳдан ўтмаганлиги баён этилган. Шунингдек, 1993 йилда уй шароитида қиз фарзанд кўрганлигини, ҳозирда у 25 ёшда бўлиб, шу кунга қадар туғилганлик ҳақида гувоҳнома олмаганлигини, туман ФХДЁ бўлими томонидан унга рад жавоби берилганлигини, фарзанди уй шароитида туғилганини, етишмовчилик сабабли ўша вақтда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ололмаганликларини таъкидлаган. Ҳамда ҳозирги пайтда қизи мактабни ва коллежни ҳам тугатганлигини, фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишлиги зарурлиги сабабли у Каттақўрғон туман ФХДЁ бўлимига мурожаат қилганлигини, аммо у ердан унга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожат қилиши тушунтирилганлигини, шу сабабли Д.Хусаинованинг 1993 йил 7 март куни қиз фарзанди туғилганлигини белгилашни сўраган.

Суд ишни аризаچининг фарзанди ўқиган Каттақўрғон туманидаги 53-сонли мактабда сайёр суд мажлисида кўриш давомида Д.Хусаинованинг фарзанди Н.Хусаиновага Каттақўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли мактабдан 2009 йил 23 июнда №3684583-сонли умумий ўрта таълим шаҳодатномаси берилганлиги аниқланган. Ушбу шаҳодатномада боланинг туғилган куни 1993 йил 10 март эканлиги ва туғилган жойи эса Туркменистон Республикаси, Асфанский вилоят, Чоржўй шаҳри эканлиги қайд этилган.

2019 йил 7 февралда Каттақўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли мактаб маъмурияти томонидан тузилган далолатномада собиқ ўқувчи Н.Хусаиновага шаҳодатнома берилганлигини ва унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бор бўлиб, Туркменистон Республикасида туғилганлик ҳақидаги маълумотларни тумандаги Хизмат кўрсатиш ва касб-ҳунар коллежига топширилганлиги маълум қилинган.

Мазкур ҳолатлардан сўнг суднинг ҳал қилув қарори билан туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги фуқаронинг мурожаатлари асоссиз эканлиги сабабли даъво аризасини

қаноатлантириш рад этилди.

Шунингдек, суднинг хусусий ажрими билан Каттакўрпа МФЙ раисининг хатти-ҳаракатларига тегишлича баҳо бериб, Каттакўрғон туман Тиббиёт бирлашмаси ва Зарафшон ҚВП, Каттакўрпа МФЙ томонидан тузилган 2018 йил 22 майдаги 4-сонли далолатнома ва 2018 йил 29 майдаги 33-сонли тиббий маълумотномаларга мансабдор шахс Д.Хусаинованинг манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, асоссиз ва ёлғон маълумотлар - асосида расмийлаштирилганлик ҳолатларига қонуний баҳо берилди.

Камол НАМОЗОВ,

фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро суди раиси,

Чарос ИНОЯТОВА,

ҳуқуқшунос

178 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда \(2019 йил, 36 сон\)](#) [3]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [4]
- [Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? \(2019 йил, 36 сон\)](#) [5]
- [Коррупция — тараққиётга таҳдид \(2019 йил, 36 сон\)](#) [6]
- [Обуна — 2020 адлия идоралари биз билан! \(2019 йил, 36 сон\)](#) [7]
- [Адлиядан янги ташаббус: энди ҳуқуқий мададга муҳтож бўлмайсиз. Чунки... \(2019 йил, 36 сон\)](#) [8]
- [Дунёга машҳур ёзувчилар аслида ким бўлган? \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [9]
- [Бузилган бино учун компенсация пули тўлаб берилди \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [10]
- [Тинчлик ва ишонч тўшалган йўллар Ўзбекистонга чорлайди! \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [11]
- [Олис ўлкадаги ўзимизнинг сўхатгоҳ \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/5012>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/5012>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5012>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5026>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/5023>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/5021>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/5020>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/5019>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/5015>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/5013>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/5011>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/5010>